ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ КАРОРИ

276 Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўгрисидаги низомга қушимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 3 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2364-1

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўгрисида» ги Қонунига мувофик Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й.



276-модда — 82 — 23 (627)-сон

- 1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 24 мартдаги 10/1-сон қарори (рўйхат рақами 2364, 2012 йил 15 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 20-сон, 223-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўгрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.
- 2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш., 2014 йил 19 май, 13/1-сон

> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2014 йил 19 майдаги 13∕1-сон қарорига ИЛОВА

Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўгрисидаги низомга киритилаётган қушимчалар

- 1. Қуйидаги мазмундаги 4^1 -банд билан тулдирилсин:
- «4¹.Мазкур низомнинг 4-бандида белгиланган йигиндидан қуйида келтирилган тартиб ва мақсадларда берилган кафолат суммалари (бенефициарга тулаб берилган маблаглар бундан мустасно) чегирилади:

принципал томонидан кафолат буйича мажбуриятларнинг бажарилишига таъминот сифатида қуйилган пул маблағлари. Мазкур пул маблағлари кафолат берган тижорат банкида очилган алоҳида ҳисобварақда кафолат шартномаси муддати тугагунга қадар сақланиши лозим;

хорижий ва халқаро ташкилотларнинг кредит линиялари ва қарзларини жалб қилиш билан боғлиқ булган кафолатлар;

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида берилган кафолатлар.».

2. 9-банднинг иккинчи хатбошиси «қоғозлар» деган сўздан кейин «, пул маблағлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

